



Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узок йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:



Азларов Тургун
Рахматович



Раматов Ачилбай
Жуманиязович

Азларов Тургун Рахматович — Шайхонтохур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси



Эшматов Анорбой
Аббасович

Эшматов Анорбой Аббасович — Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгазининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида: — Зуфаров Миржамол Мирумарович, Абдумаджидов Хамидулла Амануллаевич, Абралов Хакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихановнага — «Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича: — Сирожиддинов Шухрат Самариддиновичга — «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» фундаментал тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича: — Қодиров Муҳсин Халиловичга — «Ўзбек анъанавий театри» монографияси учун;

(Давоми иккинчи бетда)



МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кун шонли тарихимиздан зарҳал ҳарфлар билан ўрин олган қутлу сана ҳисобланади. Халқимиз бу кунни, мана, йигирма икки йилдирки, энг улуг, энг азиз байрам сифатида кенг нишонлайди. Зотан, истиқлол миллатимизни миллат, давлатимизни давлат сифатида дунёга танитибгина қолмай, миллий ўзлигимиз, асрий анъана ва урф-одатларимиз, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқ ва эркинлигимизнинг қайта тикланишига замин яратган табарруқ неъматдир.

Айни кунларда мамлакатимизда улуг байраминиз шуқуҳи кезиб юрибди. Уни муносиб кутиб олиш, байрам билан боғлиқ тадбирларни юқори савияда ўтказиш борасида Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимизда рўй берган оламшумул ўзгариш-у юк-

салишларнинг туб моҳиятида халқимизнинг йил сайин юксалиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбарининг қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда «мустақилликнинг, энг аввало, ҳуқуқ экани, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртида яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий

омили эканини кенг очиб бериш» юртимизда кенг нишонланаётган байрам билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларнинг туб моҳиятини ташкил этмоқда.

Шу ўринда «ҳуқуқ» юридик атамасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Ҳуқуқ моҳиятан жуда кенг маънони англайди. Албатта, ҳуқуқ жамиятдаги мавжуд турли ижтимоий муносабатларни тизимли тарзда тартибга солишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 22 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг

раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Сенаторлар ўз ишларини

Олий Мажлисининг юқори палатаси муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида «Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолият-

ти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Божхона қонунчилиги ва суд амалиёти

Ўзбекистон Республикаси Олий судида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ масалаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган

мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, су-

дьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида миллий қонунчилиги-

мизни янада такомиллаштириш ва қонунларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз суд тизимида турли соҳаларга оид қонунларни бир хилда қўллашга қаратилган самарали фаолият йўлга қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ
ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ
ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА(Давоми. Бошланиши
биринчи бетда)

Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

Фан ва техника соҳасида: — Азизов Мирҳаким Жавҳарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Муроджон Эргашевичга — «Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи» амалий тадқиқоти учун;
— Дадамухамедов Суннатулло, Муминов Рамизулла Абдуллаевич, Собиров Хабибулло, Турсунов Муҳаммад Нишанович, Юлдошев Исроил Абриевичга — «Кремнийли фотоайлангирчилик асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергиясига айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш» амалий тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича: — Изентаев Жоллибой Тангирбергеновичга (марҳум) — «Қорақалпоқ элим менинг» рангтасвир асарлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август

Xabar

Божхона қонунчилиги
ва суд амалиёти(Давоми. Бошланиши
биринчи бетда)

Жумладан, судларда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид ҳамда контрабанда жинояти билан боғлиқ ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини ва соҳага тегишли бошқа қонунлар билан бирга, Олий суд пленумининг қарорлари муҳим асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг жадаллашгани ҳамда контрабанда товарларни олиб кириш каби жиноятлар ҳам учраб турибди. Шу муносабат билан мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва баргараф этишига қаратилган янги қонунлар қабул қилини, иқтисодиёт ва божхона соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурати бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг контрабанда ва божхона

тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти бўйича суд амалиётига оид қарори лойиҳаси шу мақсадда янги таҳрирда ишлаб чиқилди. Суд-тергов амалиётида ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ягоналигини таъминлаш, қилмишларни тўғри квалификация қилиш, шунингдек, қонунчилик нормаларининг турлича шарҳланишига йўл қўймасликка қаратилган мазкур ҳужжатда контрабанда предметлари рўйхати кенгайтирилган. Жиноий хусусиятга эга ҳаракатлар, ҳужжатларни қалбақлаштириш, жиноят предметини ашёвий далолат ва жиноят предметига деб топилмасаларига аниқлик киритилган.

Давра сўхбатиде иштирокчилар пленум қарори лойиҳасини муҳокама қилиш билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, жиноят-процессуал қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, божхона қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти, хорижий тажриба ва бошқа масалалар бўйича атрафлича фикр алмашди.

Н.АБДУРАИМОВА,
УЗА мухбири(Давоми. Бошланиши
биринчи бетда)

Муҳокамалар давомида қайд этилганидек, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантисувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ гоят хавфли ҳамда одамлар соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисмини ҳаво оқими "Талко" ДУКнинг атрофидеги Тожикистон ҳудудига ва Ўзбекистоннинг чегараолди ҳудудига, шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов, Сарийосиё, Узун ва бошқа туманларига олиб ўтмоқда. Ҳозирги вақтда "Талко" ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудига атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг микдори йўл қўйилмайдиган энг юқори концентрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Сенат мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида ва Тожикистон Республикасининг Турсунзода туманида вужудга келадиган экологик вазият Тожикистон алюминий корхонасининг ҳалокати таъсири натижасида тобора оғирлашиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизими бузмоқда.

Сўзга чиқувчилар томонидан таъкидланганидек, таркибида заҳарли газлар — карбон, олтингугурт оксидлари, углеводородлар ва бошқа зарарли моддалар жуда кўпчилиги билан ажратиб турувчи "Талко" ДУКнинг чиқиндилари энг аввало бу ерда эчки яшаётган бир миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Сурункали эндокрин ва суюқ-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари касалликлари, туғма аномалиялар ва флюороз, шунингдек, онкология касалликлари сони ўсиб бормоқда. Болаларнинг ўлик туғилиши, болалар ўртасида патологик касалликлар кўпайиб бораётганлиги, айниқса, хавотирга солмоқда. Мазкур туманларда болаларнинг ҳам, катта ёшли аҳолининг ҳам патологик касалланганини қайталаши Сурхондарё вилоятидаги ўртача даражадан 3 баравар юқори.

Минтақанинг иқтисодий-ти, қишлоқ ҳўжалигига жуда катта кўламда зарар етказилмоқда. Алюминий корхонасининг зарарли чиқиндилари билан атмосфера, тупроқ, сув ресурслари ифлосланмоқда. Мева-сабзавот экинлари, узумзорлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди, ушбу минтақа учун

анъанавий бўлган пиллачилик деярли барҳам топди.

Шу билан бирга мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, халқаро экологик ташкилотлар экспертларининг хулосаларига, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг мурожаатларига қарамай, "Талко" ДУКда ишлаб чиқаришнинг йўналишини ўзгартириш, уни модернизациялаш, тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича чоралар кўрилмаётир. Шу тариқа халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормалари талаблари, БМТ томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган ҳужжатларнинг талаблари, шунингдек, ушбу масала бўйича давлатларaro битимларнинг қоидалари бузилмоқда.

Айни пайтда атроф-муҳитни ифлослантириб, минтақадаги экологик вазиятни мушкуллаштиришга чек қўйишга чакраётган халқаро жамоатчиликнинг талаблари мутлақо эътиборга олинмаётир. Чунончи, "Талко" ДУК трансчегаравий чиқиндилари атроф-муҳитга ва аҳоли соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатганлиги туфайли вужудга келган экологик вазият муносабати билан Бельгия парламентининг аъзолари, Латвия парламентининг депутатлари, БМТ атроф-муҳит бўйича дастурининг (ЮНЕП), Европа ва Осиёдаги бир қатор экологик жамоат ташкилотларининг экспертлари салбий фикр билдирдилар.

Сенаторларнинг нутқларида "Талко" ДУК sanoat чиқиндиларининг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда кенг қўламда ишлар амалга ошириладиганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Сўнги уч йил ичида мазкур туманларда энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бир қатор кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари фойдаланишга топширилди, 50 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури доирасида кўп микдорда моддий, молиявий маблағларнинг жалб этиш ва мазкур вазифаларни ҳал қилишга йўналтириш назарда тутилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат шaroитларида ишлашини ташкил этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Пировардида халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳар бир соҳада меҳнат унумдорлиги ва иш сифати сезиларли даражада ортди.

Айтиш жоизки, юртимизда меҳнатга оид муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғининг химоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Масалан, Меҳнат кодексининг олтинчи бобида меҳнат шартномасининг тузилиши, ўзгартирилиши, бекор қилинишига оид қоидалар ўрин олган. Меҳнат шартномаси — ҳодим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда ҳақ эвазига бажаришга келишидир. Ушбу кодекснинг 97-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига кўра, исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Ҳодим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланадилар. Меҳнат

шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 99-моддасида меҳнат шартномасини ҳодимнинг ташаббуси билан бекор қилиш асослари қайд этилган. Унга кўра, ҳодим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ҳодим ишни тўхтатишга ҳақли. Иш берувчи эса, ҳодимга меҳнат дафтarchасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ҳодим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси икки ҳафталик муддат тугамасдан олдин ҳам бекор этилиши мумкин.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Талко" ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шошилинч чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар ва ресурсларни сафарбар қилишни, ушбу муаммони ҳал қилишга манфаатдор экологик ташкилотлар, БМТнинг тегишли тузилмалари, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу эса ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сенаторлар "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг тарқалишига қарши курашишни, зарур профилактикани ҳамда аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли тарзда химоя қилишни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1023-сонли қарорининг қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада мамлакатимизда амалга ошириладиган таъсирчан чоралар рўйбга чиқарилишининг ҳуқуқий асослари кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундан сўнг сенаторлар маҳсулотни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, маҳсулотнинг ҳавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга, шунингдек, муҳофизатли баҳолаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ тайёрланган "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишга киришдилар.

Мажлисида қайд этилганидек, ушбу қонун кредитларнинг расмийлаштириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, гаров муомаласига кўчар мол-мулкни киритиш ҳамда тижорат банкларининг мол-мулкни гаровга олиб кре-

дитлаб бериш вақтидаги таваккалчилигини камайтириш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит воситасида молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу эса ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сенаторлар "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг тарқалишига қарши курашишни, зарур профилактикани ҳамда аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли тарзда химоя қилишни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1023-сонли қарорининг қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада мамлакатимизда амалга ошириладиган таъсирчан чоралар рўйбга чиқарилишининг ҳуқуқий асослари кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундан сўнг сенаторлар маҳсулотни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, маҳсулотнинг ҳавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга, шунингдек, муҳофизатли баҳолаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ тайёрланган "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисида айтиб ўтилганидек, бу соҳадаги муносабатлар бугунги кунда турли соҳавий қонунлар: Термик тартибга солиш тўғрисида"ги, "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Метрология

тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши мувофиқликни баҳолашнинг бутун тизимини, шу жумладан, миллий аккредитацияни ҳам ташкил этишнинг умумий принциплари, қоидалари тартибга солинишини таъминлайди.

Сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2012 йилларда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ва давлат раҳбарининг бошқа фармонлари асосида тайёрланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Қонун билан Солиқ, Божхона, Ҳўжалик-процессуал, Меҳнат, Жиноят кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонунларга ва бошқа қатор қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шaroитлар яратилишига, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, унинг бандлигини таъминлашга ва бошқаларга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилиши шарт. Ушбу ҳужжат ҳодим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси билан мустаҳкамлашиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади.

Меҳнат қонунчилигида меҳнат дафтarchасини тўғри ва қонуний тўлдиртиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Меҳнат дафтarchаси ҳодимнинг иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ҳодимларга меҳнат дафтarchасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи меҳнат дафтarchасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни қайд этиши керак.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қайд этиш жоизки, ҳуқуқий муносабатлар хусусида сўз юритганда маълум бир тартибга солинган, ўзаро узвий боғлиқ ҳамда бири бири билан ҳамоҳанг тартиб-таомил, қоидалар, меъёрлар тушунади.

Ҳуқуқий меъёрлар бир вақтнинг ўзида ижозат, рухсат бериш, танлаш эркинлигини яратиши баробарида берилган имконият, шароитдан фақат ижобий тарзда фойдалана билиш, мажбуриятларга риоя қилишни талаб этади. Шу боис Ўзбекистон юридик энциклопедиясида "ҳуқуқ давлат томонидан ҳимоя қилинади ва таъминланади, ҳуқуқ нормаларида баён этилган талаблар бузилган тақдирда давлатнинг мажбурлаш чоралари билан қўллаб-қувватланади" дея қайд этилган.

Айтиш жоизки, Республикада Конституция ва қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳисобланади. Албатта, мустақилликнинг, энг аввало, ҳуқуқ экани Асосий қонунимиз ва бошқа қонун ҳужжатларида ўзининг теран ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг тўртинчи моддаси иккинчи қисмида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", деб белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб замонавий миллий давлатчилигимизни шакллантириш жараёнида ҳуқуқ ижодкорлигининг маҳсули сифатида қонунлардаги нормалар моҳиятида том маънода юртимизда яшаётган кўп миллатли халқнинг хоҳиш-иродаси, манфаати ўзининг теран ифодасини топди. Ўзбекистонда барча миллатлар ўзларининг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини рўёбга чиқариш имкониятига эга. Уларнинг миллийлигига ҳос унсулар Конституция асосида қабул қилинган қонунларимиз моҳиятига сингдирилганки, бу миллатлараро муносабатлардаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг асосий омили бўлиб, юртимизда буюк неъмат бўлган тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Конституциямиздаги "Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши" (13-модда иккинчи қисм) ёхуд "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" (14-мод-

да) деган аниқ ва лўнда қоидалар ҳам мустақиллик — ҳуқуқ эканининг амалий исботидир.

Айтиш керакки, Республикада ҳокимият бошқаруви халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалашга қаратилган бўлиб, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланган. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатда инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифати-

Масалан, айнан истиқлол туфайли мамлакатимизда мулкдорлар синфи, яъни хусусий мулкка эга бўлиб, уни кўпайтиришдан манфаатдор бўлган тадбиркор ва фермерлар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ҳеч кимга сир эмас, собиқ шўро тузумида хусусий мулк тўғрисида сўз юритишга чўчирдик. Мустақилликни ҳуқуқ эканини айнан хусусий мулкни бошқа мулк шакллари билан баб-баробар ри-

тиқлол йилларида эришилган энг сара утукларимиздан бири миллий ўзликини англаганимиз, бугунги миллий давлатчилигимизни яратишда, давлатчилик борасида уч минг йиллик тарихий тажрибага таянганимиз муваффақиятларимиз давомийлигини таъминламоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда ҳуқуқий муносабатларнинг янги кўриниши, шакл ва турларини илғаб олиш, ҳуқуқ ижодкорлигида янги-янги ҳуқуқий муносабатларни яратиш, ечимини топиш учун кўплаб янги қонунларни қабул қилиш гоётда муҳимдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам яқин йиллар ичида жами элликка яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва парламент томонидан қабул қилиш кўзда тутилган. Мазкур Концепцияда белгилаб берилган, энг муҳим тахлиллар асосида ҳар томонлама асосланган ҳолатлар, тақдирларда Ўзбекистон Республикасининг иккита кодекси (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Божхона кодекси) янги мазмун-моҳият билан бойитилган ҳолда қабул қилинади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ҳам давр талаби даражасида тайёрланмоқда, энг муҳими ҳолатида миллий дастур қабул қилиш ҳам кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати шундаки, Концепцияда 29 та янги қонун қабул қилиниши назарда тутилган. Мазкур ҳужжат асосида жамиятда кўплаб муносабатларга ҳуқуқий тус берилиб, улар қонуний жиҳатдан тартибга солинади. Масалан, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондаери тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган бўлса, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш устида қийинчилик олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, истиқлол мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсонга эркин яшаш, том маънодаги ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имконини берди. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат сифатида халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлди.

Мавжуда РАҲАБОВА,
профессор

Аввало шуни айтиш керакки, Асосий қонунимизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мувожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муаддатларда кўриб чиқиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Mas'uliyat va majburiyat

Фуқаролар мувожаати доимий эътиборда

Шунингдек, "Фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳам фуқароларнинг мувожаатларини қонуний тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этишда муҳим ҳуқуқий асос вази фасини ўтамоқда. Ушбу қонуннинг 18-моддасида ариза ва шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, кўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса, ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқиши лозимлиги қайд этилган.

Бундан ташқари амалдаги қонунчилигимизда, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексида фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ҳаётий бир мисолга эътибор қаратас: Нишон тумани Давлат техназорат инспекциясига Х.Фармонов 2013 йил 3 январда мувожаат қилган бўлса-да, 2013 йил 30 март кунига қадар унинг ариза-си эътиборсиз қолдирилган. Шунингдек, ушбу инспекция томонидан Т.Қаршиев, Т.Хўжанов, М.Панжиеваларнинг аризалари-

га ҳам белгиланган муддатда жавоб берилмаган. Албатта, Нишон тумани Давлат техназорат инспекцияси маъсул ходимнинг қонун талабларига риоя қилмаслиги, фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги эътибордан четда қолмади.

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ушбу мансабдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонуний жавобгарликни муқаррарлигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Зотан, фуқароларнинг мувожаатларини кўриб чиқишда қонунда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиш, мувожаатда кўрсатилган масалаларни қонун доирасида ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жасур НОРҚОБИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Вояга етмаганларнинг моддий таъминоти

қонун билан кафолатланган

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамиятнинг энг муҳим вазифасига, давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 64-моддасида

ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Ҳаётда турли сабабларга кўра ажрашиб кетган баъзи ота-оналар ҳам учраб туради. Бундай вазиятда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён амалиётда кўпроқ алимент ундириш орқали ҳал этилади. Бу борадаги ҳуқуқ

ва мажбуриятлар оила қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Суд томонидан вояга етмаган болаларга алимент ундиришда боланинг ота-онаси ўзаро никоҳда экани ёки улар ўртасидаги никоҳ тугатилганлиги аҳамиятли эмас. Алимент ундиришда тугилганлик ҳақидаги гувоҳномада оталик тўғрисидаги ёзув ҳамда болага ихтиёрий ра-

вишда таъминот беришдан бўйин товлаш асос бўлади.

Масалан, даъвогар Мадинабону Латипова жавобгар Бахриддин Бозоровга нисбатан фарзанди учун алимент ва у уч ёшга тўлгунга қадар ўзининг таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мувожаат қилган. Унинг даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилган.

Вояга етмаган болаларга алимент суд қароридан ташқари, шахс билан алимент олувчининг оғзаки келишуви асосида ҳам тўланадиган мумкин. Лекин бундай келишув ҳуқуқ доирасидан четда бўлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Кредит олиш учун банкка мувожаат қилганим. Ушбу муассаса ходимлари кредит мажбуриятини таъминлашга етадиган мол-мулкни гаровга қўйиш кераклигини ва унга тақиб белгиланишини айтишди. Айтинг-чи, тақиб нима ва у қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

Г.ПРИМОВ,
Қизилтепа тумани

— Агар сиз ўзингизга тегишли автомашинани гаровга қўйиб банкдан кредит оладиган бўлсангиз, нотариал идорада гаров шартномасини тасдиқлаштириш лозим. Яъни олинган кредит суммасини ва шу билан боғлиқ мажбуриятларни тўлиқ бажарганингизга қадар ўз мулкнингизни банкка гаровга берасиз ва бу билан автомашинанингизга бўлган ўз ҳуқуқларингизнинг муайян қисмини маълум муддатга банк ихтиёрига топширасиз. Сиз билан банк ўртасида гаров шартномаси тузилган, гаровга қўйилган мулкка нисбатан барча хатти-ҳаракатлар фақат мулкни гаровга олган банкнинг розилиги билан амалга оширилади. Шунинг учун гаров шартномаси тузилган пайтдан бошлаб шартномада кўрсатилган шарт ва муддат давомида сизга тегишли автомашинанига нисбатан тақиб қўйилади.

Мол-мулкка қўйилган тақиқлар базаси давлат нотариал идоралари томонидан юритилади. Бир нечта нотариал идоралар мавжуд бўлган ҳудудларда тақиқлар базасини юритиш муайян нотариуслар зиммасига юклатилади. Нотариал идорада муайян ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларига қўйилган барча тақиқлар рўйхатга олинади.

Бундан ташқари кўчмас мулкларнинг тақиқи шу кўчмас мулк жойлашган жойдаги туман ёки шаҳар Ер тузиши ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан рўйхатга олинади, автотототранспорт воситаларига қўйилган тақиқлар эса, шу транспорт воситаси рўйхатга қўйилган ИИБ ЙХХБ РИБ томонидан рўйхатга олиб борилади.

Саволга Қизилтепа тумани давлат нотариал идораси нотариуси Иброҳим САЛОМОВ жавоб берди.

ҳуқуққи кафолати

амалдаги қонунларда тўлиқ ифодасини топган

Ходимнинг илтимосига кўра, меҳнат дафтаридаги ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилиши мумкин. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтаридаги ёзилмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратас, даъвогар Мунира Йўлдошева судга жавобгар — шаҳар коммунал хизматлар бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ҳақида даъво аризаси билан мувожаат қилган. Ишдаги ҳужжатларда қайд этилишича, шаҳар коммунал хизматлар бошқармасининг 38-сонли буйруғига асосан

М.Йўлдошева шаҳар коммунал хизматлар бўлимига 2010 йил февраль ойида бош ҳисобчи вазифасига ишга қабул қилинган. 2011 йил 21 январь кунини Мунира ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза билан мувожаат қилган. Унинг аризасига асосан коммунал хизматлар бошқармаси томонидан 2011 йил 21 январь кунини меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилган.

Меҳнат кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда

огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтаридаги бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризасини қайтариб олишга ҳақлидир.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотди, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Iftixor

Юксалишнинг муҳим омили


Халқимизда тил билган — эл билади, деган нақл бор. Дарҳақиқат, тил билган юрт кезади, дунё кўради, жаҳон халқлари маданияти, адабиёти ва бугун рўй бераётган янгиликлардан тез ва аниқ хабардор бўлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини, замонавий касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имконият яратилган. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга, чет тилларини ҳам пухта ўрганмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан, зукко йигит-қизлар сафини кенгайтириш, уларнинг хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг илгор усулларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиридан маълум қилишларича, жорий йилдан бошлаб нафақат дарс соатлари, балки ўқув дарсликларини ҳам кўпайтирилмоқда. Жумладан, чет тиллар бўйича янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилган.



Чет тилларни 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича ўқув режаси ҳам тасдиқланган. Унга кўра, 1-4-синфларда ҳафтасига 2 соатдан чет тили фани ўқитилади. Давлат таълим стандартлари асосида 1-9-синфлар учун инглиз, немис ва француз тилларидан ўқув дастурлари яратилган.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-синфлар учун инглиз тилидан ("Kid's english"), немис тилидан ("Deutsch macht spab") ва француз тилидан ("Higondelle") дарслик мажмуалари яратилди. Мажмуалар ўқувчи китоби, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа иловалар (DVD-дискдан) иборат.

1-синф ўқувчилари учун дарслик мажмуалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятда белгиланган таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилиб, таклифлар ҳамда халқаро экспертлар фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилган ҳолда нашр этилди.

2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни жаддалаштириш дастурига асосан жорий йилда 2457 бошланғич синфини замонавий компьютерлар, 17222 бошланғич синфини DVD-магнитол мажмуаси ва ўқув-кўргазмалар куроллари, 200 мактабни интерфаол электрон доскаси билан таъминлаш белгиланган. 2013-2016 йилларда 17222 бошланғич синфлар ва 8735 юқори синфлар тегишли жиҳозлар билан таъминланади.

Албатта, фаолият қанчалик кенгайса, малакали кадрларга эҳтиёж шунча ортиб боради. Шу маънода, халқ таълими тизимида ҳам ўқувчиларга чет тилларнинг чуқур ўқитилиши учун маҳоратли, билимли ва тажрибали педагоглар керак бўлади. Бу борада тизимда муайян ишлар бажарилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мисол учун Британия Кенгаши, Франция ва Герма-

ния элчионалари ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi умумтаълим мактабларидан 160 нафар инглиз тили, 45 нафар немис тили, 40 нафар француз тили ўқитувчиси саралаб олинди ҳамда олий таълим муассасаларида малакаси оширилиб, махсус сертификатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 апрелдаги қарори билан чет тили ўқитувчиларининг ойлик тариф ставкаларига қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни кўзда тутадиган ўзгаришлар киритилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 майдаги "Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан мазкур олий ўқув даргоҳи базавий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди.

"Yoshlar" телерадиоканалида "Bolajon" болалар рақамли телеканали ташкил этилди. Бу болажонларга инглиз тилини ўргатишда муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу телеканалда ёш авлод камолоти йўлида эзгу юзларни тарғиб этувчи, ёшларни билим ўрганишига, аинқиса, чет тилига бўлган қизиқишини ошириш мақсадидаги қўрсатув ва телестастурлар, мультфильм ва бадий фильмлар намойиш этилмоқда.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Киши ҳамкорлик алоқалари орқали билмаганини ўрганади, билганини ўргатади. Халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса, чет эл тажрибаларини ўрганиш ва ўзимизда жорий этишда муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ўқувчиларга чет тилини ўргатиш ҳамда уларнинг билим ва кўникмасини ошириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Келажикни ўйлаб, болаларимизнинг ҳар томонлама билимли, чет тилларни пухта эгаллаган ва жаҳонда ўз сўзи, ўз ўрнига эга авлод бўлиши йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар албатта, ўзининг юксак натижасини беради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Гаройиб олам

Ҳайвонот дунёси сир-синоатга бой эканлиги билан инсонни ҳамisha ўзига жалб этиб келган. Айтайлик, ҳайвонларнинг одамларга садоқати, меҳр-муҳаббати ва вафодорлиги тўғрисида тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Қуйида ана шундай ҳаётий воқеаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Биз билган ва билмаган дунё



ВАФОДОР ЖОНЗОТЛАР

Айтиш керакки, Хатико лақабли, "акита-ино" наслига мансуб ит Японияда садокат ва вафодорлик рамзига айланган. Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор сабаблари бор. Гап шундаки, 1923 йил 10 ноябрда дунёга келган Хатико Токио Университети профессори Хидесабу-ро Уэно оиласида катта бўлади. Хатико, яъни саккизинчи деган лақаб олган ит эгасига қаттиқ меҳр қўйган, сира унинг ортидан қолмас, уни ҳар куни эрталаб поезд бекатигача кузатиб кўра, кечки пайт эса, айнан шу ерда кутиб оларди. 1925 йилнинг 18 май куни бахтсиз ҳодиса рўй беради. Профессор маъруза ўқийётган пайт кутилмаганда юрак хуружидан вафот этади. Шу куни Хатико эгасини одатдагидек кутиб олиш учун вокзалга чиқади. Аммо профессор ҳадеганда келавермайди. Шу йўсинда ит ҳар куни вокзал ёнига келиб турар, охириги поезд ўтиб кетгунча жойидан жилмасдан соҳибини кутарди. Ҳа, дарвоқе, итнинг профессорнинг дўстлари ва қариндошлари асраб олмоқчи бўлишади. Аммо ит ҳар сафар уйдан қочиб кетар ва тўппа-тўғри вокзалга келар, профессорни кутиб ўтираверарди. 1932 йилда Хатико бутун Японияга машҳур бўлиб кетди. Ушанда Токионинг йирик газеталаридан бирида у ҳақда катта мақола чоп этилади. Хатиконинг эгасига садоқати японияликларнинг юрагини ларзага келтиради. Мамлакатнинг барча ҳудудларидан уни кўриш истагидаги одамлар Токиога кела бошлади. Итнинг эгасига садоқати ва меҳри шу қадар баланд эдики, ёзнинг жазирама кунлари ҳам, қишнинг аёзли кунларида ҳам уни эрталаб ва кечки пайт сира адашмай вокзалдан топиш мумкин эди. Хатико профессорни кутиб олиш мақсадида вокзалга 9 йил қатнади. Ажабланирлиси, ит бирон марта ҳам бу одатини қанда қилмади. 1934 йилда, Хатико ҳали тирик бўлган пайтда унга Токиода ҳайкал ўрнатилди. Унинг ёдгорлиги ўрнатилган Сибуря бекати айни пайтда учрашув жойи ҳисобланиб, итнинг ўзи эса садокат тимсолига айланган. Хатико воқеаси асосида иккита бадий фильм ҳам суратга олинган.

Нью-Йоркнинг марказий истироҳат боғида Балто лақабли итга ҳам ҳайкал ўрнатилган. Италиянинг профессорни кутиб ўтираверишидаги ҳайкал мавжуд. Бу ҳайкалнинг пайдо бўлиши эра-миздан аввалги IV асрда Римни гозлар кутқарган, деган афсона билан боғлиқ. Шу сабабдан бугунги кунда ҳам римликлар гозларга ақл-заковат, садокат ва зийраклик рамзи сифатида қарашади. АҚШдаги Висконсин дарёси бўйидаги ёдгорлик эса, мамлакатдаги фуқаролик уруши даврида турли муҳим хат-хабарларни ўз манзилга етказишда жон-боллик кўрсатган каптарлар хотирасига ҳурмат ва тинчлик рамзи сифатида барпо этилган. Бостон штатида эса, чумчуқларга ҳайкал ўрнатилган.

Янги Зеландияда гулмоҳи балғиға бағишлаб ўрнатилган ҳайкал бор.

Бундан ташқари дунёда ҳайвонлар билан бирга саба-завот турларига ҳам ҳайкаллар ўрнатилган. Мисол учун Германияда оддийгина картошкага ҳайкал ўрнатилган. Бу ҳайкал остидаги гранит лавҳада "Биринчи марта картошка 1746 йил шу ерда экилган", деб ёзиб қўйилган.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд ҳужжатлик бўлими бошлигининг ўринбосари Акмал Юлдошевга отаси ПАНЖИ отанинг вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

(Давоми. Бошланғич ўқитиш учинчи бета)

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида кўрсатилишича, суд ни-

тўлғунига қадар ўзининг таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш тўғрисида"ги даъво аризаси суд томонидан қисман қаноатлантирилган. Яъни даъвогар М.Носированинг фойдасига алимент ундирилган, даъвонинг фарзанди уч ёшга тўл-

Fuqarolik qonunchiligi

Вояга етмаганларнинг моддий таъминоти

қонун билан кафолатланган

коҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ишда аниқланган ҳолатларга мувофиқ, манфаатдор шахс томонидан кўзга тиланган қатъий назар, болалар тарбияси учун нафақа ундириш масаласини муҳокама қилиши лозим.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг "Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида"ги қарориди кўрсатилишича, оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар билан бирга боланинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво ҳам тақдим этилиши мумкин.

Масалан, даъвогар Маффуза Носированинг жавобгар Жавлон Садиновга нисбатан "оталикни белгилаш, алимент ва фарзанди уч ёшга

тунига қадар даъвогар таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш тўғрисидаги қисми қаноатлантиришдан рад этилган.

Чунки тарафлар ўртасида никоҳ қонуний тартибда расмийлаштирилмаганлиги сабабли улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд эмас. Шунга кўра, суд томонидан даъвогарнинг фарзанди уч ёшга тўлғунига қадар ўзининг таъминоти учун қатъий миқдорда алимент ундириш қисми рад қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, келажикимиз давомчиси бўлган фарзандларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган ва улар доимо давлатимиз ҳимоясидадир.

Н.ШЕРНАЗАРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларари судининг суд мажлиси хотиби

Jinoyatga jazo muqarrar

Ўзгалар ҳақида жиёнат

қонуний жавобгарликка сабаб бўлади


Халқимиз азалдан ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳақдан ҳазар қилиш каби фазилатларни улуғлаб келган. "Ҳалолнинг нони ширин", "Тўғри яшасанг етарсан муродга, эгри яшасанг қоларсан уятга" сингари ҳикматлар орқали ҳалоллик юксак инсоний фазилат сифатида улуғланган.

Бироқ ҳаётда нафс кутку-сига учиб, ўзгалар ҳақида кўз олайтирадиган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Шулардан бири Шокир Бегматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оилали, беш фарзанднинг отаси. Бўёгини сўрасангиз, у аввал ҳам ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган, фақат амнияти актига биноан тегишли жазодан озод этилган эди. Бироқ Шокир ўзига нисбатан кўрсатилган бу бағрикенглик ва кечиримликдан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, аксинча, яна жиноий қилмишга қўл урди.

У Халқ банкининг Шўрчи филиалида назоратчи-ҳазинабон лавозимда фаолият юритиб келаркан, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дегандек, яна нафс куткусига учиб, нопок ишга қўл урди.

Гап шундаки, Ш.Бегматовга тумандаги маҳаллалар бўйича тайинланган 2 ва 18 ёшга бўлган болалар нафақа-



си ҳамда кам таъминланган оилаларга ёрдам пулларини ўз вақтида тарқатиш каби масъул вазифалар ишониб топширилган эди. Бироқ у бу ишончни кўр-кўрона тарзда суиистеъмол қилишдан тап тортмади. Яъни болалар нафақаси ҳамда моддий ёрдам пулларини фуқароларга тарқатмасдан, ҳужжатларни сохталаштирганча, 33 миллион 158 минг 503 сўм жуда кўп миқдордаги маблағни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қиладди.

Бу ҳаётда ҳар қандай кўри-нишдаги қинғирликнинг қий-йиги бугун бўлмаса, эртага албатта, юзга қалқиб чиқи-ши тайин. Зеро, нопоклик ҳеч кимга наф келтирмаган.

Орадан кўп ўтмай, ўз ҳа-воий нафсининг қулига ай-ланиб қолган Ш.Бегматов-нинг кирдикорлари ҳам ош-кор бўлди.

Суд жараёнида судланув-чининг қилмишлариға ҳуқу-қий баҳо берилди. Чунончи,

юқорида таъкидлаганимиз-дек, фуқароларга етказилган 33 миллион 158 минг 503 сўмлик моддий зарарнинг 5 миллион сўми судланувчи томонидан қопланганлиги судда эътироф этилиб, қол-ган 28 миллион 158 минг 503 сўм Ш.Бегматовдан ундири-лиши баробарида унга нис-батан Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари-га асосан жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда ноқонуний қилмиш ҳеч қачон беиз кетмайди. Тўғри йўлдан юрмай, эгриликни ихтиёр этган кимсалар, ал-батта, қилмишига яраша жазо олади. Шундай экан, умрни эзгу амаллар билан бебаз яшаш инсонни маъна-вий жиҳатдан юксалтириши-ни ҳеч қачон унутмаслик ке-рак.

Отабек ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раисининг ўринбосари **Абдунаби БОБОЁРОВ,**
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Бўритош МУСТАФОЕВ
- Шерали РАҲМОНОВ
- Боқижон ЯҲЁЕВ
- Мавжуда РАЖАБОВА
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Омонбой ОҚЮЛОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Арислон УСМАНОВ
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: Ғ-816. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сўзтада аркин нарҳда. Адади: 7901.
1 2 3 5
Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 02⁰⁰